

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 23 ноябрь, № 229 (5649) Жума

# Илғор технологиялар

## маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва ҳажмини оширишда алоҳида ўрин тутади



***Сизнингча, дунёда энг хушбуй ҳид ниманики? Шубҳасиз, бу — нон иси. У шундайин муаттар ва ёқимлики, киши кайфиятига кўтаринкилик, вужудига ҳузур бағишлайди. Айниқса, оташдек қизиган тандирдан бамисоли қуёшдек порлаб турган нонлар узиб олинаётган пайтда теварак-атрофни унинг ажиб бўйи тутиб кетади. Бу наинки тандир ичига пайдар-пай узалаётган новвойга, балки нон етиб борган жойдаги барча-барчага тетиклик, шоду хуррамлик улашади. Қадимда асаблари толиққанларга тандирхона олдида туриб, нон исидан баҳра олиш тавсия қилинганининг боиси ҳам ана шунда бўлса, не ажаб...***

### Модернизация

Дарҳақиқат, нон шундай улуғ ва табаррук неъматки, унинг баҳоси, қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Ер юзидаги барча мамлакатлар ҳамда халқлар ўзининг фаровонлиги, осойишта ва бехатар ҳаётини, энг аввало, ушбу бойлик — нон тимсолида тасаввур қилади. Шу маънода, халқимизни бахти кулган, иқболи баланд, деб бaралла айтишимизга асослар етарли. Бозорларимизни айланган киши бунга ўзи амин бўлади. Сабаби, эртадан кечгача расталар турфа нонлар билан тўла туради. Обинон, ширмойнон, патир, жиззали, пиёзли нонлар... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Эътиборлиси, уларнинг сифати юқори, нархи эса арзон.

Бугун саноат усулида ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотлари билан ҳам мақтана оламиз. Чунки озиқ-овқат дўконларидан иссиққина қолипли нонлар сира узилмайди. Таъбга кўра, биринчи ва олий навлисидан харид қилишингиз мумкин. Хоҳловчилар учун эса зоғоранон, булочка, батон ва бошқа яна кўплаб турдаги нон маҳсулотлари муҳайё. Улар инсон саломатлиги учун фойдали бўлган микроунсурлар, хусусан, темир моддаси билан бойитилган ундан тайёрланаётгани эътиборга молик.

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси олдидан



*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2013 йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети параметрлари кўриб чиқилди. Мажлисда сенаторлар, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.*

# Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати

## аҳоли фаровонлиги ва юрт тараққиётини юксалтиришга қаратилган

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорликни ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга, диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, аҳоли фаровонлигини ҳамда турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда Президент Ислом Каримов томонидан Ҳукуматимизнинг 2012 йил 19 январдаги мажлисида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишларини рўёбга чиқаришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Хусусан, солиқ сиёсати, аввалги йиллардагидек, 2013 йилда ҳам хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига ва аҳоли даромадларига тушадиган солиқ юкини янада камайтириш, иқтисодиётни янада модернизациялаш учун қулай шарт-шароит яратиш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмурчилиги чораларини кучайтириш ҳамда солиқ солиш объектларини камайтириб кўрсатиш ва яшириш ҳолларига бархам беришга қаратилади.

Аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқнинг энг кам ставкаси бир фоиз миқдорида камайтирилади. Бу эса солиқ тўловчилар учун солиқ ундириш қисқаришини таъминлайди. Натижада жисмоний шахсларнинг ихтиёрида қўшимча қарийб 186 миллиард сўм маблағ қолади.

(Давоми 2-бетда).

## Фермерлар кенгаши

*Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг янги босқичида фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда фермерларга янги имтиёз ва преференциялар тақдим этилаётгани қишлоқда мулкдорлар синфининг ишончли ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.*

*Бунинг амалий тасдиғини Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва унинг ҳудудий тузилмалари ташкил этилгани мисолида яққол кўриш мумкин.*

# Тараққиётнинг бунёдкор кучи

### ЖИЗЗАХ

Вилоятда ўзига хос фермерлик мактаби яратилган. Дастлаб ширкат хўжаликлари негизида 10 мингдан зиёд фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлса, экин майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида улар орасидан 4 минг 812 та фермер хўжалиги саралаб олинди.

Фермерларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, шу жумладан, маҳсулот етиштириш ҳажми ошишига хизмат қилаяпти. Жорий йилда суғориладиган майдонларда гектар ҳисобига ўртача 48,5 центнердан бошоқли дон ҳосили, 23 центнердан пахта хом ашёси йиғиштириб олиниб, ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан мос равишда 5,3 ва 1,5-2 центнерга кўпайгани ана шундан далолат беради.

— Президентимизнинг яқинда қабул қилинган Фармонига асосан, фермер хўжаликлари ваколатлари кенгайтирилгани биз, мулкдорларга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир, — дейди Дўстлик туманидаги "Эшниёз бобо" фермер хўжалиги раҳбари Муртазоқул Бўтаев. — Бу иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, қўшимча тармоқларни ривожлантириш имконини беради. Масалан, бизнинг фермер хўжалигимиз қошида яқинда сутни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилиб, 7 киши иш билан таъминланди.

Анжуманда иштирокчилар шу хусусда фикр юритдилар. Вилоят фермерлар кенгашини ташкил этиш таклифи бир овоздан маъқулланиб, унинг аъзолари сайланди.

Жиззах вилояти фермерлар кенгаши раиси этиб Пахтакор туманидаги "Анвар-А" фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Эшматов сайланди.

Конференцияда вилоят ҳокими С. Исмаилов сўзга чиқди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### НАВОИЙ

Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида жадал суръатларда ривожланмоқда. Айниқса, фермерлик ҳаракати учун зарур шарт-шароит яратилаётгани ўзининг юксак самараларини бераяпти. Буни Навоий вилоятида фаолият кўрсатаётган 1 минг 800 дан ортиқ фермер хўжаликлари эришаётган ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# Ижтимоий бандлик — устувор вазифа

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идораларнинг масъул раҳбар ходимлари, партия фаоллари ҳамда экспертлари, жамоат ташкилотлари, тадқиқот институтлари вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирларда 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.*

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Таъкидланганидек, эл фаровонлигини жадал оширишда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастур ижроси муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилаяпти. Хусусан, 2012 йилнинг январь — сентябрь ойларида республика бўйича жами 773 мингта ёки белгиланганидан 28,5 мингта кўп иш ўринлари барпо этилиб, тегишли Дастур параметрлари 103,8 фоизга бажарилди. Эътиборлиси, яратилган иш ўринларининг 62,9 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келди.

Сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида белгилаб берилган чора-тадбирлар қизғин таҳлил қилинди.




***"Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир".***

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан).

Жумладан, унда иш жойларининг қарийб ярми кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан ташкил этилиши, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш каби бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари орқали амалга оширилиши ўз ифодасини топган.

Сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари ушбу масала юзасидан сайловолди платформалари, дастурий мақсад ҳамда вазифалари асосида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

— Аввало, таъкидлаш лозимки, 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури халқимизнинг ижтимоий фаровонлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси аъзоси Жўрақўзи Қўлдашев. — Унга мувофиқ, келаси йилда юртимизда 970 мингдан ортиқ иш ўрни очилиши кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Истиқболли лойиҳалар самараси

*Пойтахтимизда атроф-муҳит ҳолатини яхшилашнинг экологик йўналишларига бағишланган Ўзбекистон — Жанубий Корея форуми ўз ишини якунлади.*

## Форум

Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Жанубий Корея Атроф-муҳит вазирлиги ҳамкорлигида уюштирилган мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Экоҳаракат фаоллари, шунингдек, кореялик мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон — Жанубий Корея форуми стратегик шерик ҳисобланган икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ташкил этилди. Ушбу анжуман, хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил сентябрь ойида Корея Республикасига ташрифи давомида имзоланган ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

# Ғамхўрлик, рағбат, ҳамнафаслик

*«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган матбуот анжуманида мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, билим олиши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги хусусида сўз борди.*

## Анжуман

Сенаторлар, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Меҳрибонлик уйлари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашган мазкур тадбирда таъкидланганидек, ўтган давр оралиғида жамғарма томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ота-она қарамоғидан мосуво бўлган, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Тарбияланувчилар орасидан иқтидорлиларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш борасида жамғарма томонидан ташкил этилаётган фестиваль, спорт мусобақалари, кўргазма ва ижодий ишлар танловлари, шунингдек, махсус ўқув маркази фаолияти ғоят қўл келмоқда. Хусусан, ўқув маркази Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандларини касбга йўналтиришга кўмаклашмоқда. Чунончи, бугунги кунга қадар 2 минг нафардан зиёд иқтидорли болалар ўқув марказининг тайёрлов курсларида таҳсил олган бўлса, айни пайтда улардан 214 нафари юртимиздаги нуфузли олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқда.

(Давоми 4-бетда).

## Эътироф

# Ўзбекистонда шахматни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳавас қилишга арзийди

*— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, улар ўртасида спортни, жумладан, шахматни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳавас қилишга арзийди. Юртингиз шахматчиларининг дунё миқёсидаги мусобақаларда доимо юқори натижаларни қайд этиб келаётгани ана шу эътибор самарасидир.*



*ФИДЕ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан шахмат бўйича ҳар йили турли мусобақаларни ташкил этишга, Халқаро шахмат академияси филиалини очишга келишиб олганимиз ўзаро ҳамкорлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир.*

**Кирсан ИЛЮМЖИНОВ,**
**Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти.**

# Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати

## аҳоли фаровонлиги ва юрт тараққиётини юксалтиришга қаратилган

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Муҳокамада мамлакатнинг бош молиявий ҳужжатида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланадиган харажатларни ошириб бориш тамойилини сақлаб қолиш, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва спорт соҳасини молиялаш, жумладан, олий ўқув юртлари ўқув-лаборатория биноларини, спорт залларини, талабаларнинг яшаш жойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва ускуналашга ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги объектларини сақлаб туришга молиявий маблағларни кўпайтириш назарда тутилаётгани алоҳида эътироф этилди. Айни вақтда марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига, жумладан, автомобиль йўллари, қишлоқ жойларда янги ташкил этилаётган уй-жой массивларини сув билан таъминлаш объектлари ва бошқа ижтимоий объектлар қурилишига зарур маблағлар йўналтирилади.

Шунингдек, 2013 йилги Давлат бюджетида иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсияларни инфляция суръатларидан юқори миқдорларда ошириб бориш йўли билан аҳоли даромадлари ҳамда турмуш даражаси оғишмай ўсиб боришини таъминлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини кучайтириш, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислоҳ қилиб, маҳаллий ҳокимият органлари мустақиллигини ҳамда даромадлар базасини кенгайтиришдан ва ресурслардан самарали фойдаланишдан манфаатдорлигини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети параметрлари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини изчил ошириб боришдан иборат стратегик дастурга бутунлай мослигини алоҳида таъкидладилар.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини маъқуллаш ва уни Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# Ижтимоий бандлик – устувор вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш, меҳнат ресурсларини унумли ишга солиш механизмларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу партиямиз сайловолди дастуридаги мақсаду вазифаларга тўла муштарак бўлиб, айниқса, иқтисодиётни ривожлантириш, вақтинча ишсизлар, кам таъминланганлар, имконияти чекланганлар, таълим муассасалари битирувчиларига доимий даромад манбаини яратишда, уларнинг турмуш даражасини яхшилашда айни муддаодир. Шунингдек, қўшимча иш ўринлари ятатаётган корхоналарга солиқ, молиявий имтиёзлар ҳамда бошқа енгилликлар бериш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, шу жумладан, касаначиликни янада ривожлантириш аҳоли бандлиги борасидаги давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси самарадорлигини оширади. Бу эса кучли ижтимоий сиёсатнинг ажралмас бўғини ҳамда жамият манфаатларига уйғундир. Пировард натижада аҳоли реал даромадлари ортиши ҳам кафолатланади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси аъзоси Баҳритдин Бегжановнинг фикрича, 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалиётга жорий қилиниши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

— Сабаби, унда кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳамда кенгайтириш, кичик бизнес билан хусусий тадбиркорликни юксалтириш ҳисобига 485,6 мингта иш жойи ташкил этиш назарда тутилган, — дейди у. — Жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш эвазига кичик бизнес субъектларида 267,1 минг, якка тартибдаги тадбиркорликни янада равнақ топтириш ҳисобига эса 117,7 мингта янги иш ўрни барпо этилади. Бундан ташқари, жамият ҳаётида касаначилик салмоғини ошириш асосида 218,4 минг кишини иш билан таъминлаш имконияти яратилади. Умуман, республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, рақобатбардошлигини ошириш ҳамда диверсификациялаш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ушбу Дастурни ҳаётга татбиқ этиш имкониятларини янада кенгайтиради. Айнан шунинг учун ҳам унинг рўёби партиямиз ғоялари ҳамда электоратимиз манфаатларига тўла мосдир.

— Фракциямиз йиғилишида 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси кенг кўриб чиқилди, — дейди Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси аъзоси Қодир Жўраев. — Маълумки, мана, бир неча йилдан бери ижтимоий бандликка оид масалалар Олий Мажлис томонидан доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Чунончи, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишида парламент назорати институтидан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса, партиямиз дастуридан ўрин олганидек, муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш, жумладан, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, ушбу жараёнларда ижтимоий адолат тамойиллари устуворлигига эришиш, меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этмоқда. Дастурдан ўрин олган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши электоратимиз манфаатларини самарали муҳофаза қилишда ҳам айни муддаодир. Жумладан, унда саноат соҳасидаги асосий дастурларни амалга оширишнинг давом эттирилиши, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш ҳисобига 57,9 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, инновацион ишланмалар ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишни ҳам рағбатлантириб, фуқароларнинг меҳнат бозорида ўз мутахассислиги бўйича иш топишида жуда муҳимдир. Қолаверса, ёшларни касбга қайта тайёрлаш ишларини тизимли йўлга қўйиш лозимлиги ҳам фракция аъзолари томонидан алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси аъзоси Олтиной Эсонова 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасида маҳаллий тармоқ корхоналари билан касб-ҳунар коллежлари ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга алоҳида ўрин берилгани хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

— Унда битирувчиларни ишлаб чиқариш амалиётига кенг жалб этиш, шу бўйича кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилган, — дейди у. — Чунки шу асосда корхоналарни моддий-техник жиҳатдан ва кадрлар билан амалда қўллаб-қувватлаш кучаяди, келажак эгаларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун зарур шароитлар яратилади. Масалан, Дастур ижроси касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни ҳунармандчилик, сервис ва туризм соҳасидаги тадбиркорликка йўналтиришга кенг йўл очиб беради. Ўз навбатида, келгуси йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш ҳисобига ишга жойлаштириш, коллежлар, ўқувчилар ва корхоналар ўртасида тузилган уч томонлама шартномаларнинг сўзсиз бажарилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш ҳам долзарбдир. Дастурдаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши эса ана шу масалага самарали ечимдир. Шунингдек, унда янги иш ўринларини яратишда ҳунармандчилик, уй меҳнати, касаначилик, оилавий тадбиркорлик йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси партиямиз платформаси ва сайловчиларимиз хоҳиш-истакларига ҳамоҳангдир, албатта.

— Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бугунги кундаги энг зарур масалалардан, — дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг қуйи палатадаги депутатлар гуруҳи аъзоси Нурия Айтжанова. — Шу боис Экоҳаракат депутатлар гуруҳи 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури концепциясини қўллаб-қувватлайди. Дастур ижроси яратилаётган иш ўринлари барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, географик жойлашуви ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг имкониятларидан янада самарали фойдаланишда қўл келади. У, ўз навбатида, мамлакатимизнинг чекка, марказлашган сув ва энергия таъминотидан олисда жойлашган ҳудудларда энергия ҳамда ресурсларни тежайдиган, чиқитсиз технологияларни жорий этиш орқали деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Бу борада мамлакатимизда экотуризм равнақи учун барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжудлигини ҳам инобатга олиш керак. Зотан, ушбу соҳа инфратузилмасини кенгайтириш қўшимча иш ўринларини яратишда аҳамиятлидир.

Муҳокамалардан сўнг сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари тақдим қилинган 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасида кўзда тутилган асосий параметрлар ҳамда чора-тадбирлар юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини мустаҳкамлаш, эл фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилганини эътироф этиб, уни бир овоздан қўллаб-қувватлашди. Йиғилишлар якунида кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# Тараққиётнинг бунёдкор кучи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда фермерлар ғаллачилик ва пахтачиликдан ташқари, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик сингари тармоқларни жадал ривожлантириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ташаббусни қўлга олишган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жорий йилнинг 9 ойида 830,2 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,9 фоиз ўсишга эришилди.

Вилоят фермерлар кенгашининг таъсис конференциясида сўзга чиққанлар эътироф этганидек, келгусида бу кўрсаткичлар янада ошади. Бунда янги ташкил қилинган тузилма фермерларнинг яқин кўмакчиси, доимий маслакдошига айланади.

Навбаҳор туманидаги “Мартабали” фермер хўжалиги раҳбари Исомиддин Ўроқов Навоий вилояти фермерлар кенгаши раиси этиб сайланди.

Тадбирда Навоий вилоят ҳокими Э. Турдимов сўзга чиқди.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### СУРХОНДАРЁ

Ҳозирги кунда вилоятдаги 5 мингдан зиёд фермер хўжаликлари нафақат қишлоқ хўжалиги, балки жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, аҳоли дастурхони тўкинлиги ва бандлигини таъминлашга муносиб улуш қўшмоқда. Президентимизнинг шу йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Сурхондарё вилояти фермерлар кенгаши таъсис конференциясида шулар ҳақида сўз борди.

— Анжуман давомида иштирокчиларнинг фикрларини тинглаб, ҳали фаолиятимизни янада ривожлантириш учун кўплаб ишларни амалга оширишимиз лозимлигига амин бўлдим,— дейди Ангор туманидаги “Самандаров Хурсан” фермер хўжалиги раҳбари Хурсан Самандаров.

Сурхондарё вилояти фермерлар кенгаши раислигига Олтинсой туманидаги “Нуриддин” фермер хўжалиги раҳбари Абдусалом Нуриддинов сайланди.

Таъсис конференциясида вилоят ҳокими Н. Чориев сўзга чиқди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Бу ерда фаолият кўрсатаётган 6138 та фермер хўжалиги томонидан жорий йилнинг тўққиз ойида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2 триллион 800 миллиард сўмликдан ошди. Бу қишлоқ мулкдорларининг салоҳияти ва имкониятлари тобора юксалиб бораётганини кўрсатади. Айниқса, кўп тармоқли фермер хўжаликлари сафи кенгаяётгани иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлаяпти.

Вилоят фермерлар кенгашининг таъсис конференциясида сўзга чиққанлар бугун фермернинг бошини қовуштирадиган, ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, қисқача айтганда, уларнинг яқин кўмакчиси бўлишга қодир тузилма зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этаётганини таъкидлашди. Бунда Президентимизнинг шу йил 22 октябрдаги Фармони дастуриламал бўлмоқда.

Конференцияда вилоят фермерлар кенгашини тузиш таклифи бир овоздан маъқулланиб, кенгаш раиси этиб Оҳангарон туманидаги “Асл Абдуғани ота” фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Тўраев сайланди.

Анжуманда вилоят ҳокими Р. Холматов сўзга чиқди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Истиқболли лойиҳалар самараси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда автотранспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини табиий газ ёки бошқа муқобил ёнилғи турларига мослаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда республикамизда 300 мингдан зиёд автомобиль, бошқача айтганда, жами автотранспорт воситаларининг 10 фоизи экологик тоза газда ишлаётгани, 2016 йилга бориб, ана шу кўрсаткични 30 фоиздан ошириш режалаштирилаётгани бунинг тасдиғидир. Албатта, бундай лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун тармоққа хориж тажрибаларини ва инновацион технологияларни жалб қилиш талаб этилади. Зеро, табиий газда ҳаракатланувчи автомобилдан анъанавий ёнилғида ишловчи транспорт воситасига нисбатан атмосферага 5 баробаргача кам заҳарли моддалар чиқишини инобатга олсак, бу ҳаракат ниҳоятда истиқболлидир.

Эътиборлиси шундаки, мамлакатимизда кореялик мутахассислар билан ушбу йўналишдаги амалий ишларга аллақачон киришилган. Яқин вақт ичида эса республикамизнинг турли ҳудудларида кореялик ҳамкорларнинг 42 миллион АҚШ долларидан ортиқ сармояси эвазига 50 та автотранспорт воситаларига газ қуйиш станциясини фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Тадбирда шундай ишлар хусусида маълумотлар берилиши баробарида, кореялик ва ўзбекистонлик мутахассисларнинг тармоқда сермеҳнат жараёнларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича иштирокчиларни қизиқтирувчи мавзулардаги маърузалари тингланиб, муҳокама қилинди.

Форум давомида, шунингдек, кореялик мутахассислар мамлакатимиздаги автотранспорт воситаларини табиий газ билан ишлашга ўтказишга ихтисослаштирилган корхоналарда бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Анжуман якунида ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар асосида резолюция қабул қилинди.

**Д. МУРОДОВ.**

# Ҳуқуқий маданият ва миллий дастур

*Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида “Юксак ҳуқуқий маданият — фуқаролик жамиятининг асоси” мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.*

Тадбир

Тадбирда қайд этилганидек, юртимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда ҳуқуқий тарбияни шакллантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётир. Қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, мамлакатимизда адолат тамойиллари барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Олий Мажлиснинг 1997 йилдаги Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу соҳадаги ислоҳотлар ривожида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият қанчалик юқори бўлса, одамларда қонунларга ҳурмат туйғуси шунча ортади, — дейди юридик фанлари доктори, доцент Феруза Муҳитдинова. — Бу фуқаролик жамиятини барпо этиш, шунинг баробарида, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Зеро, фуқаролик жамиятини шакллантиришда, энг аввало, инсон, унинг ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор аҳамиятга эга бўлади. Бундай жамиятда мавжуд ижтимоий муҳит давлатнинг қонунлар доирасида фаолият кўрсатишига, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланишига шароит яратади.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 14 январдаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”нинг янги таҳрири лойиҳаси хусусида ҳам маълумот берилди.

Тадбирда сўзга чиққан мутахассислар мазкур ҳужжат, ўз навбатида, ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, мамлакат қонунлари ва унда ўрнатилган ҳуқуқий жараёнга нисбатан барча давлат органлари, мансабдор шахслар, тадбиркорлик субъектлари, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг бирдек ҳурмат билан муносабатда бўлишини, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шу билан бирга, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Анжуманда иштирокчилар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар асосида бу лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича таклифларни баён этишди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**



# Илғор технологиялар

## маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва ҳажмини оширишда алоҳида ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бироқ озиқ-овқат саноатининг ушбу тармоғи, асосан, шаҳарларда ривожлангани тизимни янада ислоҳ қилишни талаб этаяпти, албатта. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов жорий йилнинг 15 июнида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида воҳа аҳли билан суҳбатда ушбу масалага алоҳида тўхталиб, жойларда, айниқса, чекка туман ва қишлоқларда замонавий кичик новвойхоналар қуриш, аҳолига сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш масаласини кўтардилар.

Хўш, бу борада “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси томонидан қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Аввало, шуни таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ушбу вазифани ўз вақтида бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан, махсус гуруҳ ташкил этилди, — дейди мазкур компаниянинг етакчи мутахассиси Феруза Удалаева. — Ушбу гуруҳ томонидан республикамиздаги мавжуд нон цехлари, шу жумладан, “Ўздонмаҳсулот” компанияси тизимидаги корхоналар фаолияти ўрганилиб, бозор талаби атрофлича таҳлил қилинди. Шулардан келиб чиқиб, янги нон цехларини ташкил этиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2012 — 2013 йилларда компания томонидан жами 29 та замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган кичик нон цехлари ишга туширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, компания тасарруфидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай янгиланишлар барча йўналишларда, жумладан, нон ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам жадал давом эттирилаётгани диққатга сазовор. Натижада мавжуд цехларда ишлаб чиқариш такомиллаштирилиши баробарида, янги қувватлар ҳам фойдаланишга топширилаяпти. 2009 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 48 та замонавий нон цехи ишга туширилгани бунинг яққол далилидир.

Янги корхоналар хорижнинг энг сўнгги русумдаги технологик воситалари билан жиҳозланган бўлиб, иш унумдорлигининг юқорилиги, ресурс тежамкорлиги билан ажралиб туради. Масалан, 38 та корхонада Германиянинг “Wachtel” компанияси ускуналари ўрнатилган. Бу эса ҳар бир цехда бир кеча-кундузда 3 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини берди. “Viniks” компаниясининг технологик линияси билан жиҳозланган бошқа корхоналарнинг кунлик қуввати эса 1,5 тонна маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган.

Компания мутахассисларининг айтишларича, новвойхоналарни зарур технологик жамланмалар билан таъминлашда ускуналарнинг тежамкорлиги ва замонавийлигига алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда ўнга яқин хорижий фирмалар маҳсулотлари атрофлича ўрганилди. Улар орасида Италия, Швейцария сингари давлатларнинг дунёга машҳур компаниялари ҳам бор эди. Аммо “Wachtel” ва “Viniks” компанияларининг жиҳозлари ҳар томонлама маъқул бўлди. Шу боис янги ташкил этиладиган корхоналарга ҳам уларнинг ускуналарини ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

**“Ўздонмаҳсулот” компанияси томонидан 2009 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда**

**48 та**

**замонавий нон цехи ишга туширилди.**

“Тошкентдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятига қарашли “Оққўрғоннон” цехи — замонавий новвойхоналардан бири. Бу ерда кунига 3 тонна ун қайта ишланиб, мазали нон, булочка ва батон тайёрланаяпти. Уларга талаб эса тобора ортиб бораётир. Кунига ўртача 5 минг дона қолипли нон ишлаб чиқарилиб, 9 та мактабгача таълим муассасаси, битта мактаб-интернат, шифо масканлари, шунингдек, туман марказидан 16 километр узоқликдаги 8 та қишлоқ аҳолисига етказиб берилаяпти. Маҳсулотлар истеъмолчиларга иссиқ ҳолда тақдим қилинаётгани кўпчиликни мамнун этмоқда.

Германиядан келтирилган дастгоҳлар бир қатор афзалликлари билан мутахассисларга янада манзур бўлаётир. Нега деганда, печлар турдошларига нисбатан паст босимли газда ҳам кўнгилдагидек ишлайди. Шу билан бирга, электр энергияси сарфини 15-20 фоиз тежайди. Иш жараёнининг компьютер ёрдамида бошқарилиши эса маҳсулотларнинг сифатлилигини таъминлайди.

— Кўп йиллардан буён шу соҳада меҳнат қиламан, — дейди ушбу цех бошлиғи Холбўта Бойназаров. — Илгари нон тайёрлашда, асосан, қўл меҳнатидан фойдаланилар эди. Бугун бунга ҳожат йўқ. Асосий ишни машиналарнинг ўзи бажаради. Масалан, печнинг компьютер бошқарув тизимига 100 дан ортиқ ўз технологик режимига эга дастурларни киритиш мумкин. Бу бир пайтда турли нон маҳсулотлари тайёрлаш имкониятини яратади. Нон маромида пишгандан сўнг эса сигнал беради.



Чиндан ҳам, шу пайтгача тизимдаги нон цехларида фақат қолипли нон ишлаб чиқарилар эди. Ҳозирги кунда анъанавий маҳсулотлардан ташқари, яна 30-35 хил нон ва нон-булочка маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. “Шодлик”, “Баҳор”, “Шарқ”, “Эгизак”, “Пахта ой” сингари булочкалар, “Ромашка нон”, “Лочира”, “Туркман чураги”, “Кепакли нон”, “Саломат нон”, “Тошкент патири” каби тансиқ нонлар шулар жумласидан.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, бундай замонавий новвойхоналар фойдаланишга топширилиши билан 230 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Режалаштирилган янги қувватлар ишга туширилгач эса, салкам яна шунча иш ўрни очилади. Уларга, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга жалб этилади. Пировардида “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси тизимида нон ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробардан ошиб, қишлоқ аҳолисига юқори сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш ҳажми кўпаяди.

Халқимизда азал-азалдан дастурхон тўкинлиги, рўзғорнинг файзи буғдой ва ундан тайёрланган ноннинг сероблиги билан белгилаб келинади. Шу мезон билан ўлчаганда, бу йил юртимиздаги ҳар бир хонадонга чинакамига қут-барака ёғилди: мамлакатимиз ғаллакорлари томонидан 7 миллион 170 минг тонна буғдой етиштирилиб, омборлар донга тўлди. Бу тириклик манбаи, азиз ва лазиз неъмат — нон мўллигидан, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланаётганидан далолатдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# Экологик тоза ва тежамкор

## муқобил энергия ишлаб чиқариш технологиялари айнан шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир

*Маълумки, бугунги кунда дунё аҳли кўплаб экологик муаммолар қаршисида турибди. Бошқача айтганда, узоқ йиллар давомида инсоннинг табиатга етказган таъсири эндиликда унинг ўзига “акс таъсир” кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги вазият экологик муаммоларни ечишда тежамкор, экологик тоза технологияларни амалиётга қўллаш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини изчил олиб боришни тақозо этаяпти.*

### Мушоҳада

Масалан, ўтган асрнинг охирларида иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви табиий ёнилғига бўлган талабни ошириб юборди. Натижада автомобиль ва бошқа воситалардан чиқаётган зарарли газлар атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсата бошлади. Ачинарлиси, бу жараён ҳамон давом этмоқда. Дунё бўйича автотранспорт воситалари эҳтиёжи учун бир йилда 12 миллиард тонна ёнилғи талаб этилишини ва унинг нархи тобора ошиб бораётганини инобатга олсак, энергиянинг муқобил манбаларини излаб топиш ва уларни кенг қўллаш кечиктириб бўлмас заруратдир. Шу боис кейинги йилларда АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Исроил, Германия, Франция сингари мамлакатларда минглаб гектар ерларда фотоэлектрик станциялар, қуёш ва шамол коллекторлари барпо этилиб, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган махсус режалар ишлаб чиқилаяпти.

Бундан ташқари, бугунги кунда автомобилсозлик билан шуғулланаётган компания ёки корхона борки, уларнинг барчаси экологик талабларга жавоб берувчи транспорт воситаси ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Бунинг бир неча омиллари мавжуд. Бу, аввало, дунё бозорида газ билан ҳаракатланувчи тежамкор транспорт воситаларига талаб тобора ортиб бораётгани билан изоҳланса, иккинчидан, автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газлар наинки атроф-муҳит мусаффолигига, балки аҳолининг саломатлигига ҳам жиддий зарар етказиши аллақачон исботланган. Ваҳолонки, метан гази билан ҳаракатланадиган автомашинадан атмосферага анъанавий мотор ёнилғисига қараганда 5 баробар кам зарарли моддалар чиқарилади. Бироқ шундай бўлса-да, ҳозирги пайтда атмосферага тарқалаётган зарарли газларнинг қарийб 70 фоизи анъанавий ёнилғида ишлайдиган транспорт воситалари ҳиссасига тўғри келаётир.



Юртимизда автомобилларни газга ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз кетганда, “Gazomir Pro” масъулияти чекланган жамиятининг фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, у республикамизда биринчилардан бўлиб шундай ташаббус билан чиққан жамоалардан бири ҳисобланади. Бу ерда дастлаб Франция, Польша, Россия ва Италия тажрибалари асосида ўзимизда ишлаб чиқарилган “Epica”, “Spark”, “Matiz” енгил машиналари, “Isuzu” русумидаги автобус ва юк ташувчи автомобиллар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникалари муваффақиятли синовдан ўтказилган бўлса, эндиликда ана шу усул кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Умуман, мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштиришда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги “Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Қолаверса, бундан икки йил аввал Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳаммуассислигида Муқобил ёқилғи, энергия ва чиқиндисиз технологиялар корхоналари ассоциацияси фаолияти йўлга қўйилдики, бу юртимизда мазкур соҳадаги ишлар тобора ривожланаётганидан далолат беради.

Айни пайтда ушбу ассоциация ўз таркибига 40 дан зиёд корхона ва ташкилотларни бирлаштирган бўлиб, шулардан “Gazomir Pro”, “Smart Gaz”, “Ecologic Bio Util System”, “Smart Gaz Standart”, “Smart Gaz Betont” сингари корхоналарда олиб борилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовор. Сабаби, ушбу корхоналарда биогаз ташкил қилувчи мажмуаларни қуриш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўллашга мўлжалланган қуёш нуридан энергия йиғувчи замонавий ускуна ва технологиялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда муайян самарадорликка эришилмоқда. Ассоциация томонидан халқаро тажрибаларни оммалаштириш мақсадида Польша, Бельгия, Хитой, Жанубий Кореянинг тегишли ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилгани эса бундай ишларни янги босқичга кўтармоқда.

— Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилувчи кўплаб лойиҳалар устида ҳам изланишлар олиб бораяпмиз, — дейди ассоциация раиси вазифасини бажарувчиси Аббос Алимбоев. — Самарқанд давлат университетидаги қиймати 150 миллион сўмлик шамолдан энергия олиш лойиҳаси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 30 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига махсус ўқув мажмуасини ташкил этиш режаси, Тошкент давлат техника университети мутахассисларининг қуёш энергиясига асосланган ишланмаси ана шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришга илғор ва истиқболли лойиҳаларни татбиқ қилиш — самарадорлик гарови. Юртимизнинг географик жойлашуви, қулай иқлим шароити бундай технологияларни қўллаш ва улар орқали энергиянинг муқобил манбаларини ишлаб чиқаришда айни муддаодир. Зеро, мутахассислар муқобил энергия ишлаб чиқариш технологияларига “Экологик тоза ва тежамкор”, деган баҳони бежиз беришмаяпти. Муқобил ёқилғи, энергия ва чиқиндисиз технологиялар корхоналари ассоциациясининг ташкил этилиши эса юртимизда бу борадаги ишларни янада ривожлантириш борасида қўйилган муҳим қадамдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

## Тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф
## №RESP2/CW/NCB/09/03 UZ

**Халқаро тараққиёт уюшмаси кредити: 4433 UZ**
**«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси**

**1.** Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро тараққиёт уюшмасидан «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси учун ажратилган кредитнинг муайян қисмини «Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги «Х-86-1» хўжаликлараро каналида таъмирлаш-тиклаш» ишларини бажариш учун RESP2/CW/NCB/09/03 UZ-сонли контракт бўйича тўловлар учун сарфлаш кўзда тутилган.

**2.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги номидан «Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги «Х-86-1» хўжаликлараро каналида таъмирлаш-тиклаш» ишларини бажариш учун қурилиш-пудратчи ташкилотларини тендер савдоларида иштирок этишга таклиф қилади. Қурилиш-монтаж ишларининг мўлжалланган қиймати қўшимча қиймат солиғисиз 177 746 091,67 сўм (213 295 210,0 сўм ҚҚС билан).

**3.** Тендер ҳужжатлари тўпламининг бир нусхасини 200 000 (икки юз минг) сўм миқдорида қайтарилмайдиган комиссия йиғими қуйидаги ҳисоб рақамига тўланганидан сўнг кўрсатилган манзилдан олиш мумкин:

20210000403965637890, ОАТБ «Агробанк», банк коди: 00394.

**Тўловни олувчи:** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, СТИР: 202697653.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-«Б» уй, 1-қават, 4-хона.

**Телефонлар:** (+998 71) 237-16-57, 150-55-36. **Факс:** (+998 71) 237-16-58.

**Электрон почта манзили:** resp@sks.uz

Қизиқиш билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотларни юқорида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

**4.** Тендер таклифининг амал қилиш муддати тендер комиссияси томонидан тендер таклифлари очилган пайтдан бошлаб 90 кун. Қатнашчилар тендер таклифи билан бирга, 4,5 миллион сўм қийматида бўлган тендер таклифининг гаров таъминотини хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг бош офиси томонидан расмийлаштирилган банк кафолати шаклида ёки Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги махсус ҳисоб рақамига ўтказилган гаров суммаси шаклида тақдим этишлари зарур.

**5.** Тендер таклифлари 2012 йил 25 декабрь соат 16.00 гача қуйидаги манзилга етказилиши лозим:

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-«Б» уй, 1-қават, 4-хона.

**Телефонлар:** (+998 71) 237-16-57, 150-55-36. **Факс:** (+998 71) 237-16-58.

**Электрон почта манзили:** resp@sks.uz

Тендер таклифларини очиш ушбу тадбирда бевосита қатнашиш истагини билдирган қатнашчи ташкилотлар вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

**6.** Кеч қолган тендер таклифлари қабул қилинмайди ва очилмаган тарзда тендер қатнашчиларига қайтариб берилади.

1941A/797

## Тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф
## №RESP2/CW/NCB/09/04 UZ

**Халқаро тараққиёт уюшмаси кредити: 4433 UZ**
**«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси**

**1.** Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро тараққиёт уюшмасидан «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси учун ажратилган кредитнинг муайян қисмини «Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Левая Ветка» хўжаликлараро каналида таъмирлаш-тиклаш» ишларини бажариш учун RESP2/CW/NCB/09/04 UZ-сонли контракт бўйича тўловлар учун сарфлаш кўзда тутилган.

**2.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги номидан «Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Левая Ветка» хўжаликлараро каналида таъмирлаш-тиклаш» ишларини бажариш учун қурилиш-пудратчи ташкилотларини тендер савдоларида иштирок этишга таклиф қилади. Қурилиш-монтаж ишларининг мўлжалланган қиймати қўшимча қиймат солиғисиз 1 411 496 790,25 сўм (1 693 796 148,30 сўм ҚҚС билан).

**3.** Тендер ҳужжатлари тўпламининг бир нусхасини 200 000 (икки юз минг) сўм миқдорида қайтарилмайдиган комиссия йиғими қуйидаги ҳисоб рақамига тўланганидан сўнг кўрсатилган манзилдан олиш мумкин:

20210000403965637890, ОАТБ «Агробанк», банк коди: 00394.

**Тўловни олувчи:** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, СТИР: 202697653.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-«Б» уй, 1-қават, 4-хона.

**Телефонлар:** (+998 71) 237-16-57, 150-55-36. **Факс:** (+998 71) 237-16-58.

**Электрон почта манзили:** resp@sks.uz

Қизиқиш билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотларни юқорида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

**4.** Тендер таклифининг амал қилиш муддати тендер комиссияси томонидан тендер таклифлари очилган пайтдан бошлаб 90 кун. Қатнашчилар тендер таклифи билан бирга, 30 миллион сўм қийматида бўлган тендер таклифининг гаров таъминотини хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг бош офиси томонидан расмийлаштирилган банк кафолати шаклида ёки Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги махсус ҳисоб рақамига ўтказилган гаров суммаси шаклида тақдим этишлари зарур.

**5.** Тендер таклифлари 2012 йил 25 декабрь соат 16.00 гача қуйидаги манзилга етказилиши лозим:

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-«Б» уй, 1-қават, 4-хона.

**Телефонлар:** (+998 71) 237-16-57, 150-55-36. Факс: (+998 71) 237-16-58.

**Электрон почта манзили:** resp@sks.uz

Тендер таклифларини очиш ушбу тадбирда бевосита қатнашиш истагини билдирган қатнашчи ташкилотлар вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

**6.** Кеч қолган тендер таклифлари қабул қилинмайди ва очилмаган тарзда тендер қатнашчиларига қайтариб берилади.

1940A/797

## Тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф
## №RESP2/CW/NCB/09/05 UZ

**Халқаро тараққиёт уюшмаси кредити: 4433 UZ**
**«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси**

**1.** Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро тараққиёт уюшмасидан «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси учун ажратилган кредитнинг муайян қисмини «Андижон вилояти Улуғнор туманидаги «Х-35» хўжаликлараро каналида таъмирлаш-тиклаш» ишларини бажариш учун RESP2/CW/NCB/09/05 UZ-сонли контракт бўйича тўловлар учун сарфлаш кўзда тутилган.

**2.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги номидан «Андижон вилояти Улуғнор туманидаги «Х-35» хўжаликлараро каналида таъмирлаш-тиклаш» ишларини бажариш учун қурилиш-пудратчи ташкилотларини тендер савдоларида иштирок этишга таклиф қилади. Қурилиш-монтаж ишларининг мўлжалланган қиймати қўшимча қиймат солиғисиз 973 075 590,0 сўм (1 167 690 588,0 сўм ҚҚС билан).

**3.** Тендер ҳужжатлари тўпламининг бир нусхасини 200 000 (икки юз минг) сўм миқдорида қайтарилмайдиган комиссия йиғими қуйидаги ҳисоб рақамига тўланганидан сўнг кўрсатилган манзилдан олиш мумкин:

20210000403965637890, ОАТБ «Агробанк», банк коди: 00394.

**Тўловни олувчи:** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, СТИР: 202697653.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-«Б» уй, 1-қават, 4-хона.

**Телефонлар:** (+998 71) 237-16-57, 150-55-36. **Факс:** (+998 71) 237-16-58.

**Электрон почта манзили:** resp@sks.uz

Қизиқиш билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотларни юқорида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

**4.** Тендер таклифининг амал қилиш муддати тендер комиссияси томонидан тендер таклифлари очилган пайтдан бошлаб 90 кун. Қатнашчилар тендер таклифи билан бирга, 18,0 миллион сўм қийматида бўлган тендер таклифининг гаров таъминотини хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг бош офиси томонидан расмийлаштирилган банк кафолати шаклида ёки Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги махсус ҳисоб рақамига ўтказилган гаров суммаси шаклида тақдим этишлари зарур.

**5.** Тендер таклифлари 2012 йил 25 декабрь соат 16.00 гача қуйидаги манзилга етказилиши лозим:

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Тошкент шаҳри, 100000, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-«Б» уй, 1-қават, 4-хона.

**Телефонлар:** (+998 71) 237-16-57, 150-55-36. Факс: (+998 71) 237-16-58.

**Электрон почта манзили:** resp@sks.uz

Тендер таклифларини очиш ушбу тадбирда бевосита қатнашиш истагини билдирган қатнашчи ташкилотлар вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

**6.** Кеч қолган тендер таклифлари қабул қилинмайди ва очилмаган тарзда тендер қатнашчиларига қайтариб берилади.

1942A/797

● Реклама ва эълонлар ●

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

***кафедралар бўйича бўш лавозимларга танлов эълон қилади***

**Профессорлар:** Иқтисодиёт назарияси, Менежмент.

**Доцентлар:** Саноат иқтисодиёти, Макроиқтисодиёт, Бухгалтерия ҳисоби, Олий математика, Иқтисодий педагогика, Эконометрика, Иқтисодий тарих, Маркетинг.

**Катта ўқитувчилар:** Саноат иқтисодиёти, Макроиқтисодиёт, Меҳнат ва ижтимоий соҳа иқтисодиёти, Давлат молияси ва солиқлар, Иқтисодий таҳлил ва аудит, Фалсафа, Иқтисодий ҳуқуқ, Олий математика, Иқтисодий педагогика, Иқтисодиётда ахборот тизимлари, Эконометрика, Инвестицион фаолият, Корпоратив бошқарув ва рақобатни ривожлантириш, Менежмент, Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш, Маркетинг, Сервис.

**Ассистентлар:** Саноат иқтисодиёти, Меҳнат ва ижтимоий соҳа иқтисодиёти, Бухгалтерия ҳисоби, Иқтисодий таҳлил ва аудит, Статистика, Иқтисодий педагогика, Иқтисодиётда ахборот тизимлари, Банк иши ва корпоратив молиялар, Инвестицион фаолият, Ташқи иқтисодий фаолият, Корпоратив бошқарув ва рақобатни ривожлантириш, Сервис, Жисмоний маданият ва спорт, Туризм, Кичик бизнес ва тадбиркорлик, Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш.

**Ўқитувчи:** Инглиз тили.

***Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:***

— ректор номига ариза;
— ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (бошқа ташкилотлардан танловда қатнашишга ариза берганлар учун);
— олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхалари (бошқа ташкилотлардан танловда қатнашишга ариза берганлар учун);
— илмий ишлари рўйхати;
— малака оширганлиги ҳамда қайта тайёрловдан ўтганлиги ҳақидаги дипломлар ва сертификатлар;
— охирги 5 йилда амалга оширган педагогик фаолияти ҳақида ҳисобот;
— кафедра муҳокамасидан кўчирма.

***Аризаларни қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.***

**Манзилимиз: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, ТДИУ, ходимлар бўлими.**
**Телефонлар: (8-371) 232-63-75, 239-28-67.**

1795A/1235









# Шахматчилар беллашуви

*Кеча пойтахтимиз мезбонлик қилаётган Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг иккинчи босқич биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.*



Нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов дастлабки беллашувни қора доналарда озарбайжонлик гроссмейстер Шаҳриёр Мамедяровга қарши ўтказди. Қизиқарли комбинацияларга бой ўтган баҳсда томонлар 52-юришда муроса кўчасини танладилар.

Италиялик Фабиано Каруано ва россиялик Пётр Свидлер ўртасидаги баҳсда 38-юришдан сўнг дуранггa имзо чекилди. Украина вакили Руслан Пономарёв ва хитойлик Ванг Хао беллашувида ҳам шундай натижа қайд этилди. Россиялик яна бир иштирокчи Сергей Карякин гарчи ўйинни қора доналарда бошлаган бўлса-да, кубалик рақиби Леньер Домингес Пересни 40-юришдан сўнг мот қилди. Россиялик Александр Морозевич ҳам АҚШ вакили Гата Камскийни мағлубиятга учратди. Бу баҳс 36-юришда якунига етди. Дарвоқе, Александр биринчи турда оқ доналарда ўйнаб ғалабага эришган ягона иштирокчи бўлди. Исроиллик Борис Гельфанд ва венгриялик Петер Леко ўртасидаги баҳсда эса ғолиб номи аниқланмади. Бу мазкур турдаги энг узоқ (61 юриш) давом этган беллашув бўлди.

Бугун мусобақанинг иккинчи тури ўтказилади. Унда Рустам Қосимжонов оқ доналарда украиналик Руслан Пономарёвга қарши ўйнайди. Шунингдек, Гата Камский — Сергей Карякин, Ванг Хао — Леньер Домингес Перес, Петер Леко — Шаҳриёр Мамедяров, Пётр Свидлер — Борис Гельфанд, Александр Морозевич — Фабиано Каруано жуфтликлари ҳам ўзаро беллашади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# Ғамхўрлик, рағбат, ҳамнафаслик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шартнома асосида таҳсил олаётган 84 нафар талабанинг харажатлари эса жамғарма томонидан тўлаб берилди. Қолаверса, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уй-жой, мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тиклаш борасида ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Айниқса, мавжуд Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларни таъмирлаш, қайта жиҳозлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида эътирофга лойиқдир.

Ҳар йили ўқувчиларнинг ёзги ва қишки таътили давомида болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, саломатликларини тиклаш мақсадида махсус “Меҳрибонлик” оромгоҳларининг ташкил этилаётгани ҳам жамғарма фаолияти нақадар юксак меҳр-мурувватга йўғрилгани билан эътиборни тортади.

Анжуман давомида жамғарма томонидан амалга оширилган хайрли ишлар, турли ижтимоий лойиҳалар, инсонпарварлик акциялари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

## Танлов

### Ҳам оилада, ҳам жамиятда фаол

*“Йил аёли” миллий танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.*

Унда ўн бир нафар иштирокчи ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш қилди. Қатнашчиларнинг ўзини таништирув шартидаги шеърий ва мусиқий чиқишлари танловнинг ҳақиқий байрамга айланиб кетишига замин яратди.

Якунда Ширин шаҳридаги 3-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Нилуфар Раҳмонқулова ғолиб деб топилди.

**Асал НЕМАТОВА.**

*Фарғона шаҳрида ўтказилган “Йил аёли” танловининг вилоят босқичида 19 нафар фаол хотин-қиз биринчилик учун ўзаро баҳсга киришди.*

Улар эркин мавзудаги монолог, саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақслари билан ўз қобилиятларини синовдан ўтказдилар. Пировардида ғолиблик Қўқон шаҳридаги “Асл шоҳона файз” ўқув ишлаб чиқариш маркази раҳбари Зироатхон Комиловага насиб этди.

**Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ● Реклама ва эълонлар ●

**Корхона ва кичик бизнес ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

**Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси**

**ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм) | Бошланғич нархи ҚҚСсиз (сўм) | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Наманган тумани, Ирвадон қишлоғидаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини 345 ўринга мўлжалланган 75 қатновлига мукаммал қайта қуриш (2-босқич) | 2 167 216 396 | 1 806 013 663 | 330 кун |
| Лот-11 | | | | |
| Лот-11/1. | Наманган тумани, «Ғалча» ҚФЙдаги 1504 ўқувчи ўринли 30-мактабни мукаммал таъмирлаш | 897 300 522 | 747 750 435 | 210 кун |
| Лот-11/2. | Наманган шаҳри, Гўзал кўчасидаги 1176 ўқувчи ўринли 35-мактабни мукаммал таъмирлаш | 1 092 198 568 | 910 165 473 | 210 кун |
| Лот-12 | | | | |
| Лот-12/1. | Косонсой шаҳридаги 870/150 ўқувчи ўринли транспорт ва алоқа йўналишдаги касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш | 595 758 148 | 496 465 123 | 210 кун |
| Лот-12/2. | Тўрақўрғон тумани, «Хўжанд» ҚФЙдаги 540 ўринли саноат ва транспорт йўналишдаги касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш | 399 586 987 | 332 989 156 | 180 кун |
| Лот-12/3. | Чуст тумани, Чуст шаҳридаги миллий ҳунармандчилик ва тадбиркорлик йўналишдаги касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш | 731 393 349 | 609 494 457 | 210 кун |
| Лот-13 | | | | |
| Лот-13/1. | Янгиқўрғон тумани, «Шарқ юлдузи» ҚФЙдаги 540 ўқувчи ўринли 6- мактабни мукаммал қайта қуриш | 1 047 664 851 | 873 054 043 | 210 кун |
| Лот-13/2. | Чуст тумани, Ғова қишлоғидаги 340 ўқувчи ўринли 45- мактабга 120 ўқувчи ўринли ўқув блоки қуриш билан мукаммал қайта қуриш | 478 271 958 | 398 559 965 | 210 кун |
| Лот-13/3. | Чуст тумани, «Ғова» ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли 67- мактабни мукаммал қайта қуриш | 591 583 971 | 492 986 643 | 210 кун |
| Лот-30 | | | | |
| Лот-30/1. | Норин тумани, «Тошлоқ» ҚФЙ, Тошлоқ аҳоли пунктида ички автомобиль йўллари қурилиши | 147 019 879 | 122 516 566 | 60 кун |
| Лот-30/2. | Янгиқўрғон тумани, «Шарқ юлдузи» ҚФЙ аҳоли пункти, «Қизилқиёқ» МФЙда ички автомобиль йўллари қурилиши | 243 352 442 | 202 793 702 | 105 кун |
| Лот-30/3. | Янгиқўрғон тумани, «Соҳил» ҚФЙдаги аҳоли пункти, «Бекобод» МФЙда ички автомобиль йўллари қурилиши | 102 369 842 | 85 308 202 | 75 кун |
| Лот-30/4. | Учқўрғон тумани, «Янгиер» ҚФЙда ички автомобиль йўллари қурилиши | 136 497 764 | 113 748 137 | 90 кун |
| Лот-31 | | | | |
| Лот-31/1. | Уйчи тумани, «Ёрқўрғон» ҚФЙ, «Тепасарой» МФЙда ички автомобиль йўллари қурилиши | 123 090 335 | 102 575 279 | 60 кун |
| Лот-31/2. | Поп тумани, «М. Умрзақов» ҚФЙ, Хонобод аҳоли пунктида ички автомобиль йўллари қурилиши | 201 868 938 | 168 224 115 | 60 кун |
| Лот-31/3. | Норин тумани, «Пахтақишлоқ» ҚФЙ, Шўрариқ аҳоли пунктида ички автомобиль йўллари қурилиши | 214 947 206 | 179 122 672 | 75 кун |
| Лот-31/4. | Янгиқўрғон тумани, «Заркент» ҚФЙ, «Маданият» МФЙда қурилаётган уй-жойлар ҳудудини ободонлаштириш | 371 359 264 | 309 446 053 | 120 кун |

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси.

***Телефонлар: (8-369) 226-22-60, 233-06-11.***

Лойиҳани молиялаштириш Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. (Лот-30 ва 31 маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан)

Диққат! Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудратчи ташкилотларни танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашувчи корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси** — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.***
***Тел./факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.***

**Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи** — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталарни очилиш куни ва соати.

*Таклифлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.*

1946А/1333

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси**

**МИЛЛИЙ КИНОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

**қуйида кўрсатилган талаблар асосида Европа давлатларидан немис овчаркаси ва малинуа (Бельгия овчаркаси) зотига мансуб бўлган итларни харид қилиш бўйича танлов эълон қилади:**

- урғочиларининг ёши 1 ёшдан 1,5 ёшгача, эркак итларининг ёши 1,5 ёшдан 2 ёшгача бўлиши;
- итлар FCI стандартлари талабларига мос бўлиши;
- ўзининг рақамига (клеймо) ва чипига эга бўлиши;
- зотдор (камида 3-4 авлодга), шунингдек, бевосита Европа давлатларидан келиб чиққан бўлиши;
- немис овчаркалар учун ранг — қорамтир-сарғиш;
- улар клиник жиҳатдан соғлом, дисплазиядан ҳоли, инфекцион касалликларга қарши эмланган ва соғлиғи ҳақидаги маълумоти бўлиши;
- жуда яхши иш қобилиятига эга, ҳар хил буюмларни (апортировка) қидириб топиш реакцияси мавжуд, мустаҳкам, ҳаракатчан ва сангвиник олий нерв фаолиятига эга бўлиши;
- зотдорлик ҳужжатлари ҳамда зотдорлик ҳужжатларида кўргазма баҳолари кўрсатилиши шарт, урғочи итлар ҳар хил ота-онадан, истисно тариқасида итлар кўргазмасида «аъло» баҳоланган 2 та опа-сингил бўлиши мумкин, урғочи итлар камида «жуда яхши», эркак итлар ҳар хил питомникдан ва кўргазма баҳолари «жуда яхши» бўлиши керак;
- хизмат итлари билан амалий машғулотларда хизмат итларини рағбатлантириш учун қўлланиладиган товушли мослама (кликер) харид қилинади.

**Танлов ҳужжатлари тўпламини ваколатли қатнашувчилар қуйидаги манзилдан олишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қипчоқ 2-тор кўчаси, 9-уй. Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 257-74-99, 258-63-22.**

***Барча таклифлар Миллий кинология марказининг юқорида кўрсатилган манзилида эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади.***

1945А/1266

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

# ОБ-ҲАВО

**(23 ноябрь)**



| | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -5 -10 | 0 +5 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | 0 -5 | +3 +8 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | 0 -5 | +3 +8 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | -3 +2 | +7 +12 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | 0 -5 | +3 +8 |
| Тошкент шаҳрида | -3 -5 | +3 +5 |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МХХ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

**иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.**

**Бизнинг таклифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.**

*Иш вақти – ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача.*

**Корхоналар ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй.**

1806R/1187

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фахрий журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Расул РАҲМОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси “Ахборот” информацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррир ўринбосари **Неъмат БОЙНАЗАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Грант раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор Рустам Рўзиевга падари бузруквори **Жаббор РЎЗИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Олий математика кафедраси профессори Фарҳод Толиповга падари бузруквори **МАЪРУФ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ижтимоий реклама

**2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди!**

**2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти.
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда.
- Замонавий дизайндаги уйлар.
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга.
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга.
- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.



**Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади.
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади.
- Янги уйлар сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.



**Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти.
- Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити.
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари.
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди.
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.



**Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги.
- Бир йиллик сифат кафолати.
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



**Марҳамат, мурожаат қилинг!**

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига.
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига.
- «Камолот» ЁИҲ бўлинмаларига.
- Хотин-қизлар қўмиталарига.
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига, минибанкларига.
- «Қишлоқ қурилиш инвест» филиалларига.

100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 36-уй.
Тел.: (+998 71) 150-93-39.
Факс: (+998 71) 150-39-93.
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

1882R/1294

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

· МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5